

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АДИЛОВА ДУРДОНА ШУХРАТОВНА

**SARS-COV2 ИНФЕКЦИЯСИНИНГ ЭРТА РЕАБИЛИТАЦИЯ ДАВРИДА
ЖИГАР ШИКАСТЛАНИШИ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2023

УЎК: 616.342-002:579.841.5-616.33-006.6-02

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Адилова Дурдона Шухратовна

SARS-CoV2 инфекциясининг эрта реабилитация
даврида жигар шикастланиши..... 3

Адылова Дурдона Шухратовна

Поражения печени в раннем реабилитационном периоде
SARS-COV2 инфекции..... 25

Adilova Durdona Shukhratovna

Liver lesions in the early rehabilitation period of
SARS-COV2 infection..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 51

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АДИЛОВА ДУРДОНА ШУХРАТОВНА

**SARS-COV2 ИНФЕКЦИЯСИНИНГ ЭРТА РЕАБИЛИТАЦИЯ ДАВРИДА
ЖИГАР ШИКАСТЛАНИШИ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.2.PhD/Tib2668 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Даминова Лола Тургунпулатовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Каримов Мирвосит Мирвасикович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Рустамова Мамлакат Тулабаевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

**Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини
ривожлантириш маркази**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2023 йил «_____» _____ кунни тарқатилди.
(2023 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.А. Набиева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори,
профессор

А..Л. Аляви

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор, академик

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. SARS-CoV-2 сабаб бўлган COVID-19 бутун дунё бўйлаб тиббиёт ходимларига беморларни ташхислаш ва даволашда қийинчиликлар туғдирмоқда. Ушбу инфекция нафақат нафас олиш, балки ошқозон-ичак, юрак-қон томир ва эндокрин ҳамда бошқа тизимларга ҳам таъсир қилади. Жигарнинг зарарланиши COVID-19нинг тез-тез учрайдиган клиник таркибий қисмларидан ҳисобланади. Таҳлил натижаларига кўра, «...COVID-19 билан касалланган 53% беморларда жигар дисфункцияси маълум даражада намоён бўлади...»¹. Клиник кўринишларининг намоён бўлиши белгиларсиз кечувчи гиперферментемиядан жигарнинг оқсил синтез қилиш фаолиятининг сезиларли пасайишигача ўзгаради. Ҳатто аланин аминотрансфераза (АЛТ) ва аспартат аминотрнсфераза (АСТ) фаоллигининг симптомсиз ўсиши ҳам COVID-19 билан касалланган беморларни касалхонага даволаниш давомийлигининг ва оғир инфекция хавфининг ошиши билан боғлиқ.

Дунёда коронавирус инфекциясининг ўпкадан ташқари аъзоларни зарарланишларининг клиник кўринишлари, патогенези ва самарали даволаш бўйича қатор илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Охирги тадқиқотлар шуни кўрсатдики, COVID-19да жигар зарарланишининг патогенетик механизмларида турли омиллар аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Уларга бевосита вирусни ушбу аъзога таъсири, кучли тизимли яллиғланиш реакцияси, гипоксия, дориларнинг токсик зарарлаши, шунингдек, илгари мавжуд бўлган жигар патологиясининг фаоллашиши киради. Жигар дисфункцияси даражаси қон зардобдаги трансаминазалар ва/ёки билирубиннинг белгиларсиз ошишидан оғир ҳужайра етишмовчилигигача бўлиши мумкин. Ҳозирги вақтда унинг билан боғлиқ жигар зарарланишининг клиник аҳамияти ва узок муддатли оқибатлари тўлиқ ўрганилмаган. Шу сабабли, COVID-19 билан касалланган беморларда жигарнинг тузилмавий ва функционал ҳолатидаги бузилишларнинг оғирлик даражасини ва уларни даволаш усулларини мувофиқлаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз тиббиётига соҳани ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, турли соматик касалликларни ташхислаш, олдини олиш ва даволашга қаратилган қатор вазифалар юклатилган. «...Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, касалликларни эрта ташхислаш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизматини яратиш орқали соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни олдини олиш ва самарали ташхислаш...»² каби вазифалар белгиланган. Бундан келиб чиққан ҳолда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш билан

¹ Mao R, Qiu Y, et al Manifestations and prognosis of gastrointestinal and liver involvement in patients with COVID-19: a systematic review and meta-analysis. Lancet GastroenterolHepatol. 2020

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

бир қаторда COVID-19 билан боғлиқ бўлган жигар шикастланишининг уни ўтказгандан кейинги синдромини аниқлаш ва даволаш тамойилларини ишлаб чиқиш беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш, эрта ногиронлик ва ўлим кўрсаткичларини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2020 йил 19 мартдаги ПҚ-5969-сон «Коронавирус пандемияси ва глобал инқирознинг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2021 йил 25 майдаги ПҚ- 5124-сон, «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар тўғрисидаги»ги ва 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ 215-сон «Бирламчи тиббий – санитария ёрдамини аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республикада фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўнгги йиллардаги халқаро тадқиқотларга кўра, COVID-19 нафақат нафас олиш тизимига, балки паренхимал аъзоларга ҳам таъсир қилади (Jin X et al, 2020; Huang C, et al, 2020). 2020 йил сентябрь ойида эълон қилинган “Coronavirus disease (COVID-19) and the liver” нинг тизимли таҳлилига кўра, ўткир жигар зарарланишининг умумий тарқалиши COVID-19 билан касалланган 100 беморга 23,7 ҳолатни (16,1-33,1) ташкил этади (Kumar-M P. et al, 2020). Бошқа бир мета-таҳлилда жигар зарарланиши даражаси 19% дан 53% гача эканлиги келтирилган. Шу билан бирга, унинг зарарланиш сони касалликнинг оғир шаклига чалинган беморларда 74,4%, ўрта оғирлик даражасида инфекцияли 43,0% тенг. Аланилтрансaminaза (АЛТ), аспартаттрансaminaза (АСТ), ҳамда билирубиннинг юқори даражалари узок вақт касалхонага ётиб қолиш билан боғлиқ (Fan J-G., 2020; Wang D. et al, 2019) ҳақиқатдан ҳам бир қатор тадқиқотларда тасдиқланишича, ўртача инфекция билан солиштирилганда унинг оғир унинг оғир шаклига чалинган беморларда жигар зарарланиши устунлик қилади (Jiehao C. et al, 2020, Li L. et al, 2020). Эпидемиологик тадқиқотлар шуни кўрсатдики, АЛТ, гамма-глутамин аминотрансфераза (ГГТ), билирубин даражаларининг эркакларда аёлларга нисбатан (Cai Q. et al, 2020 ва ёш) ларда кекса беморларга нисбатан ошиши (Phipps MM. et al, 2020) COVID-19 билан боғлиқ. Гиперэнзимэмия, ўпканинг зарарланиши ва касалликнинг оғир ҳолатлари катталарга нисбатан болалар камроқ учрайди (Xu Y. et al, 2020).

COVID-19 билан боғлиқ жигар зарарланишининг патофизиологияси бўйича олиб борилган тадқиқот ишлари шуни кўрсатдики, ушбу инфекция гепатобилиар тизимга бевосита ҳамда билвосита таъсир кўрсатади. Жигар

биопсиясида унинг паренхимасида вирус РНКси аниқланган ва бу COVID-19 бевосита ушбу аъзога таъсирини тасдиқлайди (Gu J, Han B, Wang J. 2020). Коронавирусли жигар касаллиги гепатоцитларнинг тўқ қизил шарсимон дегенерацияси, лобуляр некроз, нейтрофиллар, лимфоцитлар ва портал тизим моноцитларининг инфилтрацияси, синусоидларнинг кенгайиши ҳамда қоннинг микротромбоз турғунлиги ва гепатомегалия билан намаён бўлади (Zhang C., et al, 2020; Li J, Fan JG., 2020). Бир гуруҳ тадқиқотчилар (Zhou Z., et al, 2020; Zhong P, Xu J. et al, 2020; Wrapp D. et al, 2020) SARS-CoV2 инфекцияси вируснинг S оқсилининг боғланишига боғлиқлигини кўрсатишди. “Калит-кулф” типи бўйича ангиотензин айлантирувчи фермент (ААФ) 2-тоифа рецепторлари S-оқсили калит ролини ўйнайди ва улар SARS-CoV2 нинг S-оқсиллари билан солиштирганда ўзаро 10-20 баравардан кўпроқ яқинликка эга. SARS-CoV2 зарралари учун асосий рецептор сифатида фаолият кўрсатадиган холангиоцитларда ААФ 2 тип рецепторлари мавжудлиги ўт йўллари инвазиясидан сўнг жигар паренхимаси зарарланишининг ретроград моделини тасдиқлайди (Galanopoulos M. et al, 2020; Tan Y-J et al, 2004). Шу билан бирга, олимлар холангиоцитларда 2-тоифа ААФ рецепторлари экспрессияси гепатоцитларга қараганда 20 баравар юқори эканлигини аниқладилар (Chai X. et al, 2020 et al, 2020; Guo A-X. et al, 2020; Hamming I et al, 2004). SARS-CoV2 инфекцияси холангиоцитларнинг тўсиқ ва ташиш фаолиятини (ўт кислотасини ташиш) бузади, натижада ўт кислоталари уларга захарли таъсир кўрсатади (Zhao B. et al, 2020). Бир қатор тадқиқотлар шуни кўрсатдики, COVID-19 туфайли жигар зарарланиши тизимли яллиғланиш реакцияси, вируснинг кўпайиши ва дориларни салбий таъсирини ўз ичига олади. Ферритин, интерлейкин (ИЛ-2) ва С-реактив оқсил (СРО) билан боғлиқ тизимли яллиғланиш ва жигар зарарланиши ҳамда гепатотоксиклик ўртасида бевосита (Banks RE. et al, 2020; Gauldie J. et al, 2021), шунингдек, периферик қон зардобдаги ИЛ-6 даражаси, ўткир фазали яллиғланиш медиаторлари ва аспартаминотрансфераза (АСТ) фаоллиги ўртасида кучли боғлиқлик (Drexler JF. et al, 2021) мавжудлиги аниқланган.

Коронавирус инфекциясида жигар зараланишини ўз вақтида ташхислаш бўйича қатор илмий ва клиник тадқиқотлар мавжуд. Жумладан, қондаги биомаркерлар, хусусан периферик қонда албумин даражаси, АЛТ, АСТ, ГГТ, лактатдегидрогеназа (ЛДГ) ва бошқаларни аниқлашнинг аҳамияти (Chai X, Hu L et al, 2020; Gholizadeh P et al, 2020). АҚШда COVID-19 билан касалланган 1800 дан ортиқ беморнинг ретроспектив таҳлили АЛТ, АСТ ва ишқорий фосфатаза (ИФ) мос равишда беморларнинг 41,6%, 66,9% ва 13,5% ва касалхонага ётқизилган давр ўрталарида 61,6%, 83,4% ва 80% да меъеридан юқорилиги аниқланган (Hundt MA et al, 2020). Баъзи тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, COVID-19 билан касалланган беморларда билирубин кўрсаткичлари меъеридан икки баробар кўпга ошиши мумкинлиги, аммо сариклик кам учрайдиган белгилиги қайд этилган (Cai Q. et al, 2020; El Ouali S, Romero-Marrero C et al, 2020; Jaza L. et al, 2020). Қатор бошқа кузатувларда ҳам COVID-19 кечишининг оғирлиги периферик қон зардобдаги АЛТ, АСТ, ИФ фаоллигининг ошиши ва албумин концентрациясининг пасайиши билан

боғлиқлиги аниқланган (Cai Q, Huang D. et al, 2020; Hundt MA, Deng Y. et al, 2020; Mantovani A, Beatrice G. et al, 2020).

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда Каримов М.М., Мўминов Д.К., Даминов Б.Т., Аляви А.Л., Гадаев А.Г. томонидан постковид синдромнинг турли клиник шакллари бўлган беморларга эрта ташхис қўйиш ва даволашни такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Муаммони ўрганиш таҳлили шуни кўрсатдики, COVID-19 билан касалланган беморларда жигарнинг тузилиши ва функционал ҳолатининг бузилиши узок муддатли ва инфекциядан кейинги даврда кўп учрайди ва бемор ҳаёти учун хавфли ҳисобланади. Шу сабабли жигардаги ўзгаришларнинг оғирлик даражасини мукамалроқ ўрганиш унда зарарланишнинг кучайиш омилларини аниқлаш ва уларни усуллари мукамаллаштириш тиббиётнинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Юқорида баён қилинган ҳолатлар ушбу илмий ишни бажариш учун асос бўлиб хизмат қилди.

Диссертация тадқиқотининг у бажарилган илмий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот иши режаси билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг №01980006703 илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Сурункали касалликларни замонавий диагностика ва даволаш самарадорлигини оширишнинг истиқболли йўллари ишлаб чиқиш» мавзуси доирасида бажарилган (2019 – 2021 й.).

Тадқиқотнинг мақсади COVID-19 ўтказган беморларнинг эрта реабилитация даврида жигарнинг функционал ҳамда структуравий ҳолатини баҳолаш ва аниқланган ўзгаришларни даволашни мувофиқлаштириш йўллари аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

COVID-19 билан боғлиқ жигар зарарланиши бўлган беморларда қоннинг клиник ва айрим биокимёвий кўрсаткичларини баҳолаш;

COVID-19 билан касалланган беморларда жигарнинг структуравий ва функционал ҳолати ўзгариши хусусиятларини аниқлаш;

ковиддан кейинги давр беморларда гепатопротекторларни турли хил даволаш схемаларини жигарнинг функционал ва структуравий ҳолатига таъсирини баҳолаш;

COVID-19 билан оғриган беморларда жигар паренхимаси таркибий қисмларидаги ўзгаришларнинг ривожланиш ва авж олиш хавфини аниқлаш ва юқори хавф белгиларининг ташхисий аҳамиятини аниқлаш;

COVID-19нинг эрта реабилитация даврида жигари зарарланган беморларни даволаш тамойилларини аниқлаш.

Тадқиқот объекти сифатида SARS-CoV2 инфекциясини ўтказган ва гепатобилиар тизимнинг клиник, лаборатор ва/ёки асбобий текшириш натижалари мавжуд бўлган 243 нафар бемор ҳамда 20 нафар соғлом кишилар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида веноз қон ва капилляр қон, жигар ультратовуш ҳамда эластография текшириш натижалари олинган.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотни бажаришда клиник, биокимёвий, ультратовуш ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

COVID-19 нинг эрта реабилитация давридаги беморларда цитолитик, холестатик синдром мавжудлиги ва оксил синтез қилиш фаолиятининг пасайиши билан кечувчи жигарнинг функционал ҳолатини бузилишининг биокимёвий белгилари асосланган;

жигар биокимёвий кўрсаткичларининг яққол фойдаланганлигининг мезенхимал-яллиғланиш ва гиперкоагуляция синдромлар фаоллиги билан боғлиқлиги исботланган;

COVID-19 билан касалланган беморларда жигар фиброзининг ривожланиш хавфини башорат қилувчи омиллар сифатида анамнезида аутоиммун гепатит, қон зардобда лактатдегидрогеназа концентрациясининг ортиши ва эластографияда жигар паренхимасининг қаттиқлик даражаси каби кўрсаткичлар асосланган;

гепатопротекторлардан фойдаланиш касаллик реабилитациясида цитолитик, холестатик синдромлар ва портал гипертензия белгилари меъёрлашувида ижобий таъсир этиши асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

SARS-CoV2 инфекцияси билан оғриган беморларда жигарнинг структуравий ва функционал ҳолатини эрта аниқлаш мақсадида цитолитик, холестатик синдромлар маркерларини, қондаги албумин даражасини аниқлашнинг жигар ультратовуш текшируви ўтказишнинг амалий аҳамияти исботланган;

фиброз ривожланиш хавфини башорат қилиш учун COVID-19дан кейинги даврда жигар функционал бузилишлари бўлган беморларда қаттиқлик индексини аниқлаш билан жигар эластографияси текширувининг амалий аҳамияти асосланган;

реабилитациянинг цитолитик, холестатик синдромлар ва портал гипертензия белгиларининг оғирлигига ижобий таъсирини ошириш учун COVID-19 билан боғлиқ жигар шикастланиши мавжуд беморларда гепатопротекторларни қўллаш мақсадга мувофиқлиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилаган замонавий клиник, лаборатор, асбобий ва статистик усуллар, беморлар сонининг етарлилиги, олинган натижаларнинг назарий ва амалий жиҳатдан бир-бирига мувофиқлиги, тадқиқот натижаларини хорижий ва маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги, ҳамда олинган натижаларни ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти жигарнинг функционал ва структуравий ҳолатини ўрганиш, COVID-19 билан боғлиқ зараланишлари бўлган беморларда жигар паренхимал фибрози ривожланиши маркерларининг диагностик аҳамиятини, шунингдек, гепатопротекторларнинг ижобий таъсирини аниқлаш ва инфекциядан кейинги даврда беморларни реабилитация қилиш зарурлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган хулосалар асосида шакллантирилган тавсияларни амалга ошириш COVID-19 реабилитация даврида жигар дисфункцияси мавжуд бўлган беморларни назорат қилишни такомиллаштириш, мавжуд ўзгаришларни ривожланиш ва авж олиш хавфини аниқлаш, фибрознинг олдини олиш, касаллик кечишини башорат қилиш беморларнинг яшовчанлигини ошириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Эрта реабилитация даврида COVID-19 ўтказган беморларда жигарнинг функционал ва структуравий ҳолатини баҳолаш ҳамда даволаш йўллари аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган:

SARS-CoV2 инфекциясининг эрта реабилитация даврида жигар шикастланиши бўйича олинган натижалар асосида ишлаб чиқилган “COVID-19нинг эрта реабилитация даврида жигар шикастланиши билан оғриган беморларни бошқариш алгоритми” услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 6 июндаги 8н-р/577-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома COVID-19 билан касаллангандан кейинги реабилитация чоралари тамойилларини такомиллаштириш ва жигар фиброзининг ривожланиш хавфи юқори бўлган беморларни ажратиш, асоратлар хавфини камайтириш, касалликнинг прогнозини ҳамда беморларнинг яшовчанлигини яхшилаш имконини берган;

COVID-19 ўтказган беморлар жигарнинг функционал ва структуравий ҳолатини баҳолаш ҳамда даволашни мувофиқлаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси ва Самарқанд вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг тиббий реабилитация бўлими амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2023 йил 13 январдаги 08/00427-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга татбиқ этилиши эрта реабилитация даврида COVID-19 билан касалланган беморларда гепатобилиар тизим дисфункциясини ўз вақтида ташхислаш ва жигар фибрози ривожланиши хавф омилларини аниқлаш, даволашни такомиллаштириш ҳамда ва прогнозни яхшилаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 9 та, жумладан, улардан 4 таси халқаро, 5 та республика илмий амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини нашр этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, беш боб, хулоса, амалий тавсиялар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан таркиб топган. Диссертация ҳажми 125 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва заруриятини асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари белгиланган, унинг объекти тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва техникаси ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, илмий янгилиги тақдим этилган, амалий натижалари, уларнинг илмий-амалий аҳамияти ва амалиётга тадбик этилиши, чоп этилган ишлар ҳамда диссертация таркиби тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациясининг **«COVID-19 негизида жигар дисфункцияси: муаммонинг ҳолати»** деб номланган биринчи боби учта кичик бўлимдан иборат ва уларда адабиётлар шарҳи маълумотлари келишилган. Ушбу бобда муаммонинг ҳозирги ҳолати таҳлил қилинган, коронавирус инфекцияси эпидемиологияси, патофизиология ва жигар шикастланишини ташхислашнинг замонавий усуллари баён қилинган. Тадқиқотда талаб қилинадиган масалалар доираси аниқланган ва ишнинг долзарблиги асосланган.

Диссертация ишининг **«Тадқиқот материали ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объекти, предметлари ва у ўтказилган текширишлар ҳамда қўлланиладиган статистик усуллар ёритилган. Илмий ишда COVID-19 инфекциясини ўтказган ва гепатобилиар тизимда клиник, лаборатор ва/ёки асбобий белгилари бўлган 243 бемор иштирок этди. Қуйидагилар кузатишга олиш мезонлари бўлиб ҳисобланди. Илгари полимераз занжир реакцияси (ПЗР) билан тасдиқланган COVID-19, тадқиқотга киритишдан камида 10 кун олдин ПЗР ёрдамида ўтказилган текширишда манфий натижа тадқиқотга киритиш вақтида жигарнинг структур-функционал шикастланишини тасдиқловчи лаборатор белгилар (цитолитик ва/ёки холестатик синдромлар) ва гепатит В ва С вирусларига салбий (ПЗР ёрдамида) ҳулосалар.

Барча беморлар гепатопротекторлардан фойдаланиш тартибига кўра қараб 4 та таққослаш гуруҳларига бўлинди. Биринчи гуруҳ (0-гуруҳ, n=60) - витаминлар, ўсимлик препаратлари (силимарин, сут қушқўнмаси, артишок ва бошқалар) ёрдамида пост-совид синдромини таркибий қисмларига кўра даволаш; иккинчи гуруҳ (урсодеоксихол кислотаси (УДХК) гуруҳи, n = 61) - юқоридагича қўшимча равишда урсосан 250 мг капсулалар шаклида 10 мг / кг дозада, учинчи (Фосфоглив гуруҳи, n=63) - даволашга қўшимча равишда глицирризин кислотаси ва фосфолипидлар фосфоглив 35+65 мг таблеткалар шаклида, кунига 6 таблеткадан; тўртинчи (А гуруҳи, n=59) - даволашга қўшимча равишда кунига 2 таблеткадан «гептрал 500 мг» ичакда эрувчи қобик билан қопланган таблеткалар шаклидаги адеметеонинни ўз ичига олади. Таклиф этилган даволаш схемаси 1 ой давомида қўлланилди.

Дастлаб ва динамикада 1 ойдан кейин барча беморларда жигарнинг функционал ва структуравий ҳолатини аниқлаш учун клиник, лаборатор ва асбобий текшириш усуллари ўтказилди.

Умумий қон таҳлили SYSMEX автоматик анализатори ёрдамида амалга оширилди. С-реактив оксил (CPO), ферритин, АЛТ, АСТ, ГГТ, ЛДГ, ИФ, амилаза, билирубин (умумий ва бевосита), албумин, қондаги креатинин BS-200 автоматик анализаторида аниқланди. Коагулограммани таҳлил қилиш автоматик коагулометрда ўтказилди ва Д-димер, фибриноген, халқаро меъёрлаштирилган нисбат (ХМН - протромбин вақти қийматидан ҳисобланган), фаоллаштирилган қисман тромбин вақти (ФҚТВ) каби кўрсаткичлар аниқланди. Қорин бўшлиғининг ультратовуш текшируви (УТТ) 2-5 МГц тўлқинли конвекс изоэлектрик датчик билан жиҳозланган ультратовушли сканерда амалга оширилди. Унда қуйидаги маълумотлар қайд этилди: жигарнинг ўнг бўлагининг қия вертикал катталиги, паренхимасининг тузилиши, жигар ичи ўт йўллариининг диаметри, умумий ўт йўли, пастки ковак вена; ўт пуфагининг ҳолати; талоқ паренхимаси ҳажми ва ҳолати, талоқ венасининг диаметри; плевра ва қорин бўшлиғида суюқлик мавжудлиги. ФиброСкан аппаратида тўқималарнинг қаттиқлигини аниқлаш учун жигар эластометрияси ўтказилди.

Тадқиқотда олинган барча маълумотлар Excel умумлаштириш жадвалларига киритилди. Таққослаш гуруҳлари ўртасида маълумотлар тақсимлангандан сўнг, гуруҳ ўрта қийматлари ва уларнинг стандарт хатолари ҳисоблаб чиқилди. Динамик таққослаш жуфт Стъюдент мезони ёрдамида амалга оширилди. Кўрсаткичларни гуруҳлараро таққослаш жуфтлаштирилмаган Студент Т-симнамаси ёрдамида бажарилди. Параметрик бўлмаган қийматлар сонлари фарқи эркинлик даражалари сонига қараб жадваллар бўйича ишончлилигини кўрсатадиган Хи-квадрат критерийси ёрдамида баҳоланди. Корреляция таҳлили Пирсон мезонидан фойдаланиб амалга оширилди ва корреляция қилинган жуфтликлар сонини ҳисобга олган ҳолда жадваллар бўйича унинг ишончлилиги кўрсатилди. Мезоннинг башорат қилувчи аҳамиятини баҳолаш учун сезувчанлик, ўзига хослик ва ташхисот самарадорлиги ҳисоблаб чиқилди.

«SARS-COV2 инфекциясининг эрта реабилитация даврида жигари зарарланган беморларнинг клиник ва лаборатор хусусиятлари. Гепатопротекторларнинг ўрганилаётган кўрсаткичларга таъсири» деб номланган учинчи бобда SARS-COV2 инфекциясининг эрта реабилитация давридаги беморларнинг клиник кўринишлари ҳамда даволаш пайтида яллиғланиш ва коагулопатик синдромларнинг биокимёвий белгиларининг ўрганилган динамикаси баён қилинган.

PCFS шкаласи бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, COVID-19 ни ўтказган беморлар, юқумли давр тугаганидан кейин ҳам, паст функционал қобилятларни сақлаб қолишади. PCFS бали $2,30 \pm 0,05$ бўлса, енгил функционал чекловлар мавжудлигини кўрсатади. 1 ой давомида ўтказилган реабилитация тадбирлари беморларнинг аҳволини яхшиланишига ёрдам берди ва PCFS кўрсаткичи $-61,52 \pm 2,99\%$ га сезиларли даражада камайди ва $0,72 \pm 0,05$ баллини ташкил этди ($p < 0,001$).

Лаборатория тадқиқотлари натижалари шуни кўрсатдики, эрта реабилитация даврида COVID-19ни ўтказган беморларда гемоглобин

даражаси ва периферик қонда эритроцитлар сони назорат гуруҳи (НГ)га қараганда сезиларли паст бўлган (мос равишда $p < 0,001$ ва $p < 0,05$). Бу, эҳтимол, қайта тақсимлаш механизми ва яллиғланиш самарасини ишлаши учун темир захираларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган гипохром анемияни кўрсатади. Гарчи меъёрий чегарада бўлса ҳам периферик қондаги лейкоцитлар сони НГга нисбатан паст эди. Реабилитация даврида гарчи у НГ қийматидан паст бўлса ҳам лейкоцитлар сони ортиб борди, ($p < 0,05$). Тромбоцитлар сони ҳам камайган ($p < 0,001$ НГ дан ишончли фарқ), бўлиб бу эҳтиёжни қондиришга жалб этилган тромбоцитопенияни акс эттиради. Бу COVID-19 тромбоцитлар агрегациясини фаоллаштирадиган эндотелинлар экспрессиясига нисбатан функционал фаолликнинг бузилиши ҳамда эндотелий шикастланиши билан тавсифланади. Реабилитацион даволаш негизида тромбоцитлар сони кўпайди ($p < 0,001$, бошланғич кўрсаткичларга нисбатан). Бундай «гиперэфект», эҳтимол, гематопознинг ҳаддан ташқари рағбатлантирилиши ва яллиғланиш чақирувчи «гематопознинг салбий бошқарувчилари» цитокинларнинг камайиши билан боғлиқ.

Яллиғланишнинг специфик бўлмаган белгилари синаладиган ЭЧТ ва СРО концентрацияси дастлаб НГ билан солиштирганда асосий гуруҳда сезиларли даражада юқорилиги (ҳар иккала кўрсаткич учун $p < 0,001$) қайд этилди. Реабилитация ойининг охирига келиб, иккала маркер ҳам ишончли даражада камайди ($p < 0,001$ ҳар иккала кўрсаткич учун бошланғич даражадан фарқи). Шу билан бирга, ЭЧТ НГда қайд этилган қийматларга етди аммо СРО концентрацияси гарчи меъёрий чегараларда бўлса ҳам ундан юқори бўлиб қолди ($p < 0,001$).

Коагулограмманинг асосий кўрсаткичларини таҳлил қилиш периферик қонда Д-димер концентрацияси асосий гуруҳдаги беморларда сезиларли даражада ошганлиги (НГ дан фарқ юқори ишончли ($p < 0,001$) ва бу давом этаётган микроваскуляр тромбоз жараёнидан далолат беради. Реабилитация жараёнида Д-димер концентрацияси меъёрнинг юқори чегарасидан 2 барабар кўпроқ (яъни 1 мг / л дан юқори) бўлган беморлар антикоагулянт терапияни давом эттирдилар. Кузатиш даврининг охирига келиб, Д-димернинг концентрацияси 31,61% га камайди ($p < 0,001$ дастлабки кўрсаткич билан фарқ ишончли), лекин НГ ($p < 0,001$) дан сезиларли даражада юқори бўлиб қолди.

Кузатувнинг бошланғич даврида ФҚТВнинг давомийлиги НГ индексидан ($p < 0,001$) ишончли юқори кўрсаткичларда эканлиги қайд этилди бу зарурий фаолиятнинг акси ва шунингдек, жигарнинг оксил синтез қилиш фаолиятининг пасайиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Кузатув даврида унинг давомийлиги сезиларли даражада камайди (бошланғич кўрсаткич билан фарқ ишончли $p < 0,001$).

Периферик қонда фибриноген концентрацияси дастлаб НГ ($p < 0,001$) билан солиштирилганда юқорилиги қайд этилди ва бу яллиғланишнинг учинчи босқичида фибриногеннинг физиологик роли билан тушунтирилади. Кузатиш даврининг охирига келиб, фибриноген концентрацияси пасайди (дастлабки кўрсаткичларга солиштирганда билан $p < 0,05$) ва НГ учун характерли қийматларга етди. Дастлаб, тадқиқотга олинган беморларда ХМН

индекси НГ қийматидан юқори эди ва бу ҳам антикоагулянтларнинг таъсири ва шикастланиш коагулопатияси ҳамда жигарнинг протеин синтез қилиш фаолияти бузилиши билан боғлиқ бўлиши мумкин (НГ дан фарқ ишончилиги $p<0,01$). Кузатиш даврида ХМН қийматида сезиларли ўзгаришлар кузатилмади.

Шундай қилиб, COVID-19 билан касалланган ва жигарнинг функционал ҳолатини бузиш белгилари бўлган беморларда қайта тақсимланувчи анемия ва сидеропения, тромбоцитопения, мезенхимал-яллиғланиш ва коагулопатик синдромнинг доимий фаоллик белгилари мавжуд. Реабилитация тадбирлари негизда аниқланган ўзгаришларни меъёрлаштиришга нисбатан сезиларли мойиллик кузатилди. Реабилитация давридаги даволаш режимига гепатопротекторларни тавсия этиш ўрганилган кўрсаткичларни нисбатан яхши томонга ўзгартирди.

«SARS-COV2 инфекциясининг эрта реабилитация давридаги беморлар жигарининг функционал ва структуравий ҳолати. Турли хил гепатопротекторларнинг жигар ҳолатига таъсири» деб номланган тўртинчи бобда кузатилган беморларда гепатопротектор терапияси негизда жигарнинг функционал фаоллиги ва тузилишининг асосий кўрсаткичлари динамикада ўрганилди. Бу барча кузатувдаги беморлар ферментларининг фаоллиги НГ вакилларига нисбатан сезиларли даражада юқори ($p<0,001$ НГ дан фарқ ишончли), бу тадқиқотда беморларни танлаш мезонлари билан изоҳланади. Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, АЛТнинг ўсиши НГдаги ўртача қийматлардан ($26,00\pm 1,82$ бирлик / л) деярли 10 баравар. АСТ фаоллигининг ўсиши меъёрий қийматдан (меъёр - 32 бирлик / л гача) деярли 3 баравар. ЛДГ фаоллиги - 3 марта (меъёрида 230 бирлик / л гача) юқорилиги аниқланди. Реабилитация курси негизда, умуман олганда, беморларнинг барча гуруҳида АЛТ фаоллиги 65,18% га, АСТ 35,28% га ва ЛДГ 19,59% га пасайганлиги (дастлабки натижалар билан фарқнинг ишончилиги $p<0,001$) қайд этилди. Шу билан бирга, эришилган кўрсаткичлар, ижобий динамикасига қарамай, меъёрий қийматлар ва НГ кўрсаткичларидан юқори бўлиб қолди (1-жадвал).

Холестатик синдром периферик қондаги билирубин концентрацияси билан баҳоланди, бу НГ га нисбатан сезиларли даражада юқори ($p<0,001$). Билирубин концентрациясининг ортиши асосан унинг бевосита фракцияси ($p<0,001$) ҳисобига қайд этилди, бу унинг умумий миқдорининг $34,78\pm 0,62\%$ ни ташкил этади. Кузатиш даврining охирига келиб, билирубин концентрацияси сезиларли даражада камайди ($45,39\pm 1,29\%$, $p<0,001$, бошланғич кўрсаткичлар билан фарқ ишончли) ва бевосита фракция концентрацияси сезиларли даражада камайди ($70,40\pm 1,19\%$, дастлабки натижаларга нисбатан фарқ ишончли $p<0,001$), натижада бевосита билирубиннинг нисбий улуши ҳам $35,94\pm 3,48\%$ га камайди ($p<0,001$ дастлабки маълумотлар билан фарқ ишончли). Ушбу натижалар холестатик синдром мавжудлигини кўрсатади ва холенгиоцитлар мембранасида ангиотензин айлантирувчи фермент (ААФ) рецепторлари мавжудлиги билан изоҳланади ва бу уларни коронавирус инфекцияси пайтида бевосита вирусли

шикастланиш нишонига айлантиради. ИФ ва гамма гютамин транспептидаза фаоллиги каби холестатик синдромнинг белгилари НГ га қараганда сезиларли даражада юқори эди ($p<0,001$). Кузатиш даврида фермент фаоллиги мос равишда $38,46 \pm 1,21\%$ ва $38,27 \pm 1,02\%$ га ишончли камайди ($p<0,001$), аммо НГ дан сезиларли даражада юқори бўлиб қолди (ҳар иккала маркер учун $p<0,001$).

1-жадвал

Реабилитация муолажалари динамикасида SARS-COV2 инфекциясини ўтказган беморларда жигарнинг функционал ҳолатининг биокимёвий белгилари (суратда - дастлабки маълумотлар, махражда – даволашдан 1 ойдан кейин)

Кўрсаткич	Назорат гуруҳи (n=20)	Асосий гуруҳ (n=243)	Нисбий динамика
АЛТ, Б/л	$26,00 \pm 1,82$	$\frac{254,67 \pm 7,99^{***}}{76,11 \pm 1,63^{***\wedge\wedge}}$	$-65,18 \pm 1,10$
АСТ, Б/л	$24,85 \pm 1,09$	$\frac{83,07 \pm 2,04^{***}}{44,23 \pm 1,00^{***\wedge\wedge}}$	$-35,28 \pm 2,63$
ГГТ, Б/л	$28,10 \pm 2,33$	$\frac{88,32 \pm 0,93^{***}}{55,05 \pm 1,17^{***\wedge\wedge}}$	$-38,27 \pm 1,02$
ЩФ, Б/л	$80,75 \pm 4,57$	$\frac{187,84 \pm 7,25^{***}}{126,81 \pm 7,25^{***\wedge\wedge}}$	$-38,46 \pm 1,21$
ЛДГ, Б/л	$115,70 \pm 12,57$	$\frac{472,33 \pm 36,46^{***}}{417,78 \pm 36,38^{***\wedge\wedge}}$	$-19,59 \pm 0,88$
Умумий билирубин, ммоль/л	$16,95 \pm 0,69$	$\frac{41,78 \pm 0,60^{***}}{22,99 \pm 0,64^{***\wedge\wedge}}$	$-45,39 \pm 1,29$
Бевосита билирубин, ммоль/л	$1,80 \pm 0,22$	$\frac{14,65 \pm 0,35^{***}}{3,63 \pm 0,08^{***\wedge\wedge}}$	$-70,40 \pm 1,19$
Бевосита билирубин нисбати, %	$11,09 \pm 1,53$	$\frac{34,78 \pm 0,62^{***}}{20,04 \pm 0,89^{***\wedge\wedge}}$	$-35,94 \pm 3,48$
Альбумин, г/л	$50,20 \pm 1,77$	$\frac{33,70 \pm 0,48^{***}}{53,10 \pm 0,50^{\wedge\wedge}}$	$60,49 \pm 1,16$

Изоҳ: * - НГ дан фарқ ишончилиги, ^ - дастлабки маълумотлардан фарқ ишончилиги. Бир белги - $p<0,05$, иккита белги - $p<0,01$, учта белги - $p<0,001$.

Кузатилган беморларда периферик қонда албумин концентрацияси пасайган ($p<0,001$ НГ дан сезиларли фарқ), бу яллиғланишнинг экссудатив босқичида албумин истеъмолининг ошиши, ҳужайралараро бўшлиққа шимилишининг кўпайиши билан боғлиқ. Яллиғланишга қарши воситачиларининг юқори концентрацияси ва эндотелиал дисфункция билан боғлиқ қон томир ўтказувчанлиги бузилиши «истеъмол қилиш гипералбуминемияси» га қўшимча равишда, албумин концентрациясининг пасайиши патогенетик жиҳатдан жигар ҳужайралари етишмовчилигининг таркибий қисми унинг оксил синтез қилиш функциясининг бузилиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Амалга оширилаётган реабилитация тадбирлари албумин концентрациясининг $60,49 \pm 1,16\%$ га ошишига ёрдам берди

(дастлабки маълумотлар билан фарқ $p < 0,001$), натижада кўрсаткич НГ концентрациясига тенг бўлди. Ижобий динамика тизимли яллиғланиш фаоллигининг аста-секин пасайиши, эҳтимол, жигарнинг структуравий ва функционал ҳолатини меъёрлашиши билан боғлиқ.

Гепатопротекторларни қўллаш учун танланган даволаш гуруҳларида жигарнинг функционал ҳолати кўрсаткичлари динамикасининг қиёсий таҳлили кўрсаткичларни бир йўналишли эканлигини кўрсатган бўлса ҳам, лекин баъзилари бўйича гуруҳлар ўртасида фарқ аниқланди (2-жадвал). Ўрганилаётган даволаш гуруҳлардаги беморларда ЛДГ ва АСТ нинг нисбий динамикасидаги, ўзгаришлар таққосланганда кузатув даврининг охирига келиб уларнинг барчасида периферик қон зардобидagi ушбу ферментларнинг фаоллиги таққосланди. 0 гуруҳидаги беморларда АЛТ нинг нисбий динамикаси бошқа даволаш гуруҳларга қараганда сезиларли даражада паст эди (УДХК гуруҳи билан фарқлар ишончилиги - $p < 0,001$, А ва ГФ гуруҳлари билан - $p < 0,01$). УДХК гуруҳида динамикада нафақат 0 гуруҳидаги, балки ГФ гуруҳидаги динамикадан сезиларли даражада ошиб кетди ($p < 0,05$). Натижада, 0-гуруҳда кузатиш даврининг охирига келиб, барча таққосланган гуруҳлар орасида ферментнинг максимал фаоллигига эришилди (бошқа барча гуруҳлар билан фарқ ишончилиги $p < 0,001$). Албумин концентрациясининг нисбий динамикаси (0, УДХК, ГФ ва А гуруҳларида мос равишда $58,26 \pm 2,31\%$, $60,88 \pm 2,51\%$, $60,93 \pm 2,18\%$ ва $61,88 \pm 2,35\%$).

Корреляция таҳлили шуни кўрсатдики, АЛТ фаоллиги тизимли яллиғланиш фаоллиги (ЭЧТ қиймати $r = +0,30$, ферритин концентрацияси $r = +0,89$, $p < 0,01$), гиперкоагуляция ва гиперагрегация мойиллиги (Д-димер концентрацияси билан) ($r = +0,24$ ва тромбоцитлар сони $r = +0,48$, $p < 0,01$), шунингдек цитолитик синдромнинг бошқа таркибий қисмларининг (АСТ фаоллиги $r = +0,22$, $p < 0,01$) ва холестатик синдромнинг (бевосита) оғирлиги, концентрацияси $r = +0,20$, $p < 0,01$, унинг нисбий улуши $r = +0,26$, $p < 0,01$, ГГТ фаоллиги $r = +0,43$, $p < 0,01$ ва АП $r = +0,87$, $p < 0,01$) билан сезиларли даражада ижобий боғлиқ.

Жигар ҳажмини ультратовуш ёрдамида ўлчаш гепатомегалия белгиларини аниқлади (3-жадвал). Шундай қилиб, тадқиқотга киритилган беморлар жигарининг ўнг бўлагининг қийшиқ вертикал ўлчами (ҚВЎ) НГ га қараганда анча юқори ($p < 0,01$) ва стандарт қийматлардан (150 мм) ошиб кетди. Даволаш жараёнида кўрсаткичнинг клиник жиҳатдан аҳамиятсиз, аммо статистик жиҳатдан сезиларли даражада пасайиши кузатилди. Бу яллиғланиш фаоллигининг аста-секин пасайиши, шунингдек овқат ҳазм қилишнинг меъёрлашуви, Одди сфинктери ҳолати ва холестаз билан боғлиқ. Портал вена ва талоқ венасининг диаметри ҳам НГ қийматларидан юқорилиги ($p < 0,001$ НГ билан портал вена учун ва $p < 0,01$ талоқ венаси учун) қайд этилди. Амалдаги реабилитация чоралари негизида томирлар диаметрларининг клиник жиҳатдан аҳамиятсиз пасайиши кузатилди ва бу портал гипертензия белгилари билан тушунтирилади.

Тадқиқотга киритилган 118 нафар беморда (48,56%) жигар УТТда гепатитнинг ультратовуш белгилари аниқланди. Кузатув даврининг охирига

келиб, гепатит белгилари бўлган беморлар сони 69 кишига камайди (28,40%, учрашлар сони фарқи ишончилиги $p<0,001$). Ўт тизимининг мотор функциясини меъёрлаштириш жигар ичи ўт йўллари кенгайган (19,75% дан 11,93 гача, $p<0,05$) ва ўт димланиш белгилари (32,92% дан 20,99% гача, $p<0,01$) бўлган беморлар сонининг сезиларли даражада камайишига ёрдам берди.

2-жадвал

Турли терапевтик гуруҳларда тадқиқотга жалб қилинган беморларда жигарнинг функционал ҳолатининг биокимёвий белгиларининг динамикаси (сурат - дастлабки маълумотлар, махраж - кузатиш ойининг охиридаги маълумотлар).

Кўрсаткич	0 гуруҳ (n=60)	УДХК гуруҳ (n=61)	ГФ гуруҳ (n=63)	А гуруҳ (n=59)
ЛДГ, Б/л	$\frac{372,80 \pm 56,80}{319,57 \pm 56,82}$ ####\$	$\frac{463,11 \pm 74,18}{409,37 \pm 73,36}$ ####\$	$\frac{557,22 \pm 91,26}{500,65 \pm 91,25}$ ####\$	$\frac{492,44 \pm 61,65}{437,87 \pm 61,96}$ ####\$
АЛТ, Б/л	$\frac{255,58 \pm 15,21}{99,33 \pm 2,75}$ ####\$	$\frac{235,56 \pm 10,33}{58,93 \pm 3,00}$ ***####\$	$\frac{262,79 \pm 17,17}{75,22 \pm 2,39}$ ***^^####\$	$\frac{264,85 \pm 19,91}{71,19 \pm 2,51}$ ***^####\$
АСТ, Б/л	$\frac{86,46 \pm 3,60}{47,48 \pm 2,09}$ ####\$	$\frac{77,71 \pm 4,01}{40,89 \pm 1,99}$ ####\$	$\frac{80,91 \pm 4,46}{43,33 \pm 1,99}$ ####\$	$\frac{87,46 \pm 4,11}{45,36 \pm 1,87}$ ####\$
ГГТ, Б/л	$\frac{88,31 \pm 1,71}{69,48 \pm 2,16}$ ####\$	$\frac{87,22 \pm 1,90}{51,23 \pm 2,26}$ ***####\$	$\frac{88,62 \pm 1,77}{49,61 \pm 1,81}$ ***####\$	$\frac{89,15 \pm 2,09}{50,14 \pm 2,13}$ ***####\$
ИФ, Б/л	$\frac{195,53 \pm 15,40}{160,93 \pm 15,06}$ ####\$	$\frac{165,82 \pm 9,16}{98,69 \pm 9,36}$ **\$	$\frac{194,27 \pm 15,88}{139,65 \pm 15,50}$ ####\$	$\frac{195,93 \pm 16,37}{107,46 \pm 16,01}$ \$
Амилаза, Б/л	$\frac{122,65 \pm 8,24}{41,51 \pm 4,02}$ ####\$	$\frac{146,21 \pm 9,33}{52,13 \pm 4,73}$ #\$	$\frac{147,10 \pm 9,57}{53,59 \pm 4,58}$ \$	$\frac{145,66 \pm 8,83}{51,92 \pm 4,40}$ #\$
Умумий билирубин, ммоль/л	$\frac{41,75 \pm 1,21}{25,71 \pm 1,37}$ ####\$	$\frac{41,96 \pm 1,21}{18,81 \pm 1,13}$ **\$	$\frac{41,58 \pm 1,16}{24,30 \pm 1,28}$ ^####\$	$\frac{41,82 \pm 1,22}{23,15 \pm 1,13}$ ^####\$
Бевосита билирубин, ммоль/л	$\frac{14,45 \pm 0,65}{3,93 \pm 0,15}$ ####\$	$\frac{14,21 \pm 0,73}{3,18 \pm 0,14}$ ***####\$	$\frac{14,56 \pm 0,64}{3,78 \pm 0,17}$ ^####\$	$\frac{15,38 \pm 0,76}{3,63 \pm 0,15}$ ####\$

Изох: * - 0 гуруҳ билан фарқ ишончилиги, ^ - УДХК гуруҳи билан фарқ ишончилиги, @ - ГФ гуруҳи билан фарқ ишончилиги, # - СГ билан фарқ ишончилиги, \$ - дастлабки маълумотлар билан фарқ ишончилиги. Бир белги - $p<0,05$, иккита белги - $p<0,01$, учта белги - $p<0,001$.

Турли УТТ белгиларининг пайдо бўлиш даражаси динамикасини гуруҳ бўйича таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, 0-гуруҳда кузатув даврининг охирига келиб, ўт пуфагида ўт димланиши бўлган беморлар сони сезиларли даражада камайди ($p<0.05$). Уларда ўтказилган реабилитация тадбирлари негизда гепатопротекторларнинг турли хил шакллари олан гуруҳларда гепатит белгилари бўлган беморлар сони сезиларли даражада камайди (УДХК гуруҳида $p<0,01$, ГФ ва А гуруҳларида $p<0,05$) ва стеатоз (ГФ гуруҳида $p<0,01$, УДХК ва А гуруҳларида $p<0,001$). Кузатиш даврининг бошида ва охирида турли хил УТТ белгилари сонини гуруҳлараро фарқлари сезиларли бўлмади.

3-жадвал

